

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

КАМИЛОВА ИРОДА ХУСНИТДИНОВНА

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ИНВЕСТИЦИОН КРЕДИТЛАШ
ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии
(Doctor of Philosophy) по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy
(Doctor of Philosophy) on economical sciences**

Камилова Ирода Хуснитдиновна

Тижрат банкларида инвестицион кредитлаш тизимини
такомиллаштириш 3

Камилова Ирода Хуснитдиновна

Совершенствование системы инвестиционного кредитования в
коммерческих банках..... 25

Kamilova Iroda Xusnitdinovna

Improving of the system mechanism of investment lending in the
commercial banks 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 51

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

КАМИЛОВА ИРОДА ХУСНИТДИНОВНА

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ИНВЕСТИЦИОН КРЕДИТЛАШ
ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Iqt958 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tseu.uz) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталига (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Каримов Норбой Ғаниевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ташмуродова Бувсара Эгамовна
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Қоралиев Шербек Турабоевич
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

«Агробанк» АТБ

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/10.12.2019.I.16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй, Тел.: (71) 239-28-72; факс: (71) 239-43-51; e-mail: tdiu@tdiu.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй, Тел.: (71) 239-28-72; факс: (71) 239-43-51; e-mail: tdiu@tdiu.uz.

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2021 йил «___» _____ даги _____-рақамли реестр баённомаси.)

Н.Х. Жумаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

У.В. Ғафуров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.д., профессор

С.К. Худойқулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё мамлакатлари иқтисодиёти ривожини ва халқаро интеграциясида инвестицион кредитлар муҳим ўринга эга. Зеро, инвестицион кредитлар тижорат банкларининг миллий ва жаҳон молия бозоридаги узоқ муддатли стратегиясини амалга ошириш ҳамда унинг воситасида халқаро муносабат ва тажрибаларни ривожлантиришда энг муҳим омил сифатида хизмат қилмоқда. Олиб борилган тадқиқотлар инвестицион кредитлар бир қанча анъанавий ва замонавий кредитлаш шакллари муваффақиятли бўлган ҳолда улардан фойдаланишда миллий, хорижий ва халқаро молия-кредит институтлари билан ҳамкорликлар ўрнатилиши ва ривожланишига эришилаётганлиги буни яққол тасдиқламоқда. Ўз навбатида, жаҳон амалиётида ривожланган давлатларда инвестицион кредитлаш борасида юксак ривожланиш ва бой тажрибаларга эришилиб, хусусан, «Германия давлатида жами асосий капиталга инвестициялар таркибида инвестицион кредитларнинг улуши 49,5 фоизни, АҚШда 62 фоизни, Буюк Британияда 76,5 фоизни ташкил этмоқда»¹. Инвестицион кредитларга талаб кундан-кунга ошиб бораётган бугунги кунда тижорат банклари томонидан инвестицион кредитлаш тизимини такомиллаштириш заруратини келтириб чиқармоқда.

Ҳозирда жаҳон миқёсида тижорат банклари томонидан бериладиган инвестицион кредитларнинг даромадлилиги ва риск даражалари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш, инвестицион кредитларнинг ресурс таъминотини мустаҳкамлаш, синдицияли кредитлаш амалиётини такомиллаштиришга бағишланган илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу эса, тижорат банкларининг инвестицион кредитлаш тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммоларнинг мавжудлигидан далолат беради.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда инвестицион кредитлаш амалиёти сезиларли тарзда юксалиб бормоқда. Жумладан, «асосий капиталга қилинган инвестицияларни молиялаштириш манбаларининг умумий ҳажмида тижорат банкларининг инвестицион кредитларини улуши сўнгги уч йилда (2017-2019 йй.) икки баробардан ошиб, 46,7 фоизни»² ташкил этди. Бироқ мазкур ривожланиш давлатнинг бош ислохотчи сифатидаги фаол ташаббуси таъсири ва кўмаги остида таъминланиб, инвестицион кредитлар бозорида соғлом рақобат ҳали яхши ривожланмаган, унда аксарият банклар иштирокининг жуда ҳам сезиларсиз эканлиги боис кам сонли тижорат банкларининг катта тафовутдаги етакчилиги сақланиб қолмоқда.

Аксарият тижорат банкларида инвестицион кредит ва унинг замонавий шакллари қўллаш тажрибалари етарлича шаклланмаган. Шунингдек, банклар жами кредит қўйилмаларининг асосий улуши узоқ муддатли кредитлар тўғри келган ҳолда улар асосини ташкил этаётган инвестицион кредитлар билан боғлиқ муаммоли кредитлар ҳажми ҳамда жами кредитлар таркибидаги

¹ Силантьев А. Э. Роль инвестиционного кредитования в РФ, США и ЕС // StudArctic forum. Выпуск 1 (13), 2019, DOI: 10.15393/j102.art.2019.3761. // <http://saf.petrus.ru/journal/article.php?id=3761>

² Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг йиллик ҳисоботи маълумотлари, (www.cbu.uz) 2019

улушининг ҳам сезиларли тарзда ошиб бораётганлиги мазкур соҳада илмий-амалий тадқиқотлар олиб бориш орқали инвестицион кредитлаш тизимидаги муаммоларга ечимлар топиш, унинг ҳозирги замон талабларига мос фаолиятини таъминлашда илғор хориж тажрибаларини татбиқ этиш, мавжуд имконият ва салоҳиятни ҳисобга олган ҳолда тизимни такомиллаштириш йўллари аниқлашни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуни (2019), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2019 йил 18 ноябрдаги ПФ-5877-сон «Инфляция таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида»ги, 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон «2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 9 январдаги ПҚ-4563-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2020-2022 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сон «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва мазкур соҳага тегишли бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тижорат банкларининг инвестицион кредитлаш жараёни, уни ташкил этиш ва бошқариш, хориж тажрибаларини тадқиқ этишнинг назарий ва амалий масалалари хорижлик иқтисодчи-олимлардан А.Э.Силантьев, Дж.Синки, И.Т.Балабанова, П.П.Князев, М.Н.Клименко, Д.В.Моторнюк, О.И.Лаврушин, Н.И.Валенцева, Г.Н.Белоглазова, Б.Т.Кузнецов, А.Е.Яблонская, М.В.Аликаева, Л.О.Асланова ва бошқаларнинг илмий изланишларида чуқур тадқиқ қилинган³.

³ Силантьев А.Э. Роль инвестиционного кредитования в РФ, США и ЕС // StudArctic forum. Выпуск 1 (13), 2019, DOI: 10.15393/j102.art.2019.3761. // <http://saf.petsu.ru/journal/article.php?id=3761>; Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблишер, 2017. – 1018 с.; Балабанов И.Т. Банки и банковское дело / Под ред. Балабанова И.Т. – СПб.: Питер, 2003. – 256 с.; Князев П.П., Клименко М.Н., Моторнюк Д.В. Банковские продукты и услуги: инвестиционное кредитование. Учебное пособие. – М.: Евроазиатская научно-промышленная палата, 2019. – 148 с.; Лаврушин О.И., Валенцева Н.И. и др. Банковское дело: учебник. 12-е изд., стер. – М.: КНОРУС, 2016. – 800 с.; Белоглазова Г.Н. Деньги, кредит, банки. – М.: Юрайт, 2009. – 620 с.; Кузнецов Б.Т. Инвестиции: Учеб. пос. для студентов вузов, обучающихся по направлению подготовки «Экономика». – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2006. – 542 с.; Яблонская А.Е. Формирование эффективного механизма долгосрочного банковского кредитования для обеспечения устойчивого роста российской экономики.

Ўзбекистонлик иқтисодчи-олимлардан Ш.З.Абдуллаева, Н.Ғ.Каримов, О.Ю.Рашидов, И.И.Алимов, И.Р.Тоймухамедов, Р.Р.Тожиев, Ё.Абдуллаев, Т.Қоралиев, Ш.Тошмуродов, С.Абдуллаева, У.А.Тухтабаев, С.Х.Игамбердиев, Д.Исмаилов ва бошқаларнинг илмий асарларида тижорат банкларида инвестицион кредитлашнинг назарий асослари ҳамда унга оид муаммоларни ҳал этишга доир илмий фикрлар ўз аксини топган⁴.

Жумладан, А.Е.Яблонскаянинг «Формирование эффективного механизма долгосрочного банковского кредитования для обеспечения устойчивого роста российской экономики»⁵ номли иқтисодиёт фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси авторефератида тижорат банклари томонидан узоқ муддатли кредитлашни ташкил этиш тизими, механизми ва амалиётидаги мавжуд муаммолар ўрганилган ҳолда бу муаммоларни ижобий ҳал этиш йўллари бўйича илмий асосланган таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилган.

М.В.Аликаева, Л.О.Асланова ва бошқалар муаллифлигидаги «Стратегическое развитие малого бизнеса и формы поддержки индивидуального предпринимательства»⁶ номли монографияда кичик бизнесни ривожлантиришда тижорат банкларининг инвестицион банк кредитлари орқали молиялаштиришнинг амалий жиҳатлари тадқиқ этилган.

Е.Г.Шабельникованинг «Управление рисками банковского инвестиционного кредитования» номли иқтисодиёт фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияда⁷ банкларнинг инвестицион кредитлаш жараёнидаги рискларни бошқаришнинг назарий, услубий асослари, амалий жиҳатлари тадқиқ этилиб, уни такомиллаштиришга доир таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилган.

Н.Ғ.Каримовнинг «Иқтисодий интеграциялашув шароитида инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг бозор механизмини жорий этиш масалалари»⁸ номли монографияда тижорат банкларининг инвестиция

Автореферат диссертации на соис. уч. степ. к.э.н. – Орел: Белгородский университет кооперации, экономики и права, 2013. – 24 с.; Аликаева М.В., Асланова Л.О. и др. Стратегическое развитие малого бизнеса и формы поддержки индивидуального предпринимательства. Монография. – Нижний Новгород: Издательство НОО Профессиональная наука, 2018. – 302 с. //www.scipro.ru.

⁴ Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. - Тошкент: Молия, 2002. - 324 б.; Каримов Н.Ғ. Иқтисодий интеграциялашув шароитида инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг бозор механизмини жорий этиш масалалари. Монография. - Т.: Фан ва технологиялар, 2007. – 240 б.; Рашидов О.Ю., Алимов И.И., Тоймухамедов И.Р., Тожиев Р.Р. Пул, кредит ва банклар: Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2008. – 432 б.; Abdullayev Yo., Qoraliyev T., Toshmurodov Sh., Abdullayeva S. Bank ishi. O'quv qo'llanma. – Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2010. –532 б.; Тухтабаев У.А. Муаммоли кредитлар ва уларни баргараф этиш йўллари: иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: БМА, 2007. – 24 б.; Исмаилов Д.А. Инвестиция фаолиятини молиявий бошқариш усуллари такомиллаштириш: иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Т.: ТДИУ, 2018. – 50 б.

⁵ Яблонская А.Е. Формирование эффективного механизма долгосрочного банковского кредитования для обеспечения устойчивого роста российской экономики. Автореферат диссертации на соис. уч. степ. к.э.н. – Орел: Белгородский университет кооперации, экономики и права, 2013. – 24 с.

⁶ Аликаева М.В., Асланова Л.О. и др. Стратегическое развитие малого бизнеса и формы поддержки индивидуального предпринимательства. Монография. – Нижний Новгород: Издательство НОО Профессиональная наука, 2018. – 302 с. //www.scipro.ru.

⁷ Шабельникова Е.Г. Управление рисками банковского инвестиционного кредитования. Диссертация на соис. уч. степ. к.э.н. – Ростов-на-Дону: Ростовский государственный экономический университет, 2014. – 150 с.

⁸ Каримов Н.Ғ. Иқтисодий интеграциялашув шароитида инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг бозор

капиталининг молия соҳасидан ишлаб чиқариш соҳасига кўчиб ўтишидаги аҳамияти, бу жараённинг фаоллашувида улар томонидан кредитлар учун ўрнатилган фоиз ставкаларининг тўсиқ бўлиб турган муаммоли жиҳатлари сингари масалалар чуқур тадқиқ этилиб, ушбу муаммоларни ҳал этишга доир илмий-амалий аҳамиятга молик таклиф ва тавсиялар ўз аксини топган.

У.А.Тухтабаевнинг «Муаммоли кредитлар ва уларни бартараф этиш йўллари»⁹ номли иқтисодиёт фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация авторефератида тижорат банкларида юзага келаётган муаммоли кредитларнинг назарий ва амалий жиҳатлари тадқиқ этилиб, унга оид муаммолар ечимига қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар берилган.

Юқорида номлари зикр этилган олимларнинг тадқиқотларида тижорат банкларининг инвестицион кредитлаш жараёни, назарий асослари ва амалий жиҳатлари билан боғлиқ масалалар ўрганилган бўлса-да, бироқ, тижорат банкларининг инвестицион кредитлаш тизимини такомиллаштириш масаласи мустақил диссертацион тадқиқот объекти сифатида тадқиқ қилинмаган. Бу ҳолат мазкур йўналишда илмий изланишлар олиб бориш зарурлигини белгилайди ва диссертация иши мавзусининг долзарблигини кўрсатади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг тадқиқот ишлари режаларининг «Ўзбекистонда банк-молия тизимини янада ривожлантиришнинг концептуал йўналишлари ва истиқболлари» мавзусидаги илмий тадқиқот ишларига мувофиқ ҳолда бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида инвестицион кредитлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг вазифалари:

инвестицион кредитлаш хусусидаги хорижий ва маҳаллий олимларнинг илмий-назарий фикрларини тадқиқ этган ҳолда муаллиф хулосаларини шакллантириш;

инвестицион кредитлаш тизимининг элементларини аниқлаш ва улар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни тадқиқ этиш;

инвестицион кредитлаш тизимининг меъёрий-ҳуқуқий асосларини таҳлил қилган ҳолда мавжуд муаммолар аниқлаш;

Ўзбекистонда инвестицион кредитлаш жараёнининг замонавий ҳолатини таҳлил қилиш натижалари асосида тенденцияларни аниқлаш;

инвестицион кредитлаш жараёнларидаги рискларни баҳолаш механизминини таҳлил қилиш ва мавжуд муаммолар аниқлаш;

тижорат банклари инвестицион кредитлаш тизимини ривожлантириш бўйича илғор хориж тажрибаси ўрганиш, ундан Ўзбекистон банклари

механизмининг жорий этиш масалалари. Монография. - Т.: Фан ва технологиялар, 2007. – 240 б.

⁹ Тухтабаев У.А. Муаммоли кредитлар ва уларни бартараф этиш йўллари: иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: БМА, 2007. – 24 б.

амалиётида фойдаланиш имкониятларини асослаб беришга қаратилган илмий тавсиялар ишлаб чиқиш;

тижорат банклари инвестицион ресурсларини бошқариш борасидаги мавжуд муаммоларни тадқиқ этиш ва уларни бартараф этиш йўлларига қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

тижорат банкларида инвестицион кредитлаш самарадорлигини оширишни эконометрик таҳлил асосида ўрганиш ва илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш;

тижорат банклари инвестицион кредитлаш тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари, жумладан «Асакабанк»нинг инвестицион кредитлаш тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предметини тижорат банклари томонидан инвестицион кредитлаш бериш ва уларни қайтариш жараёнида юзага келувчи молиявий-иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда умумлаштириш, гуруҳлаштириш, монографик тадқиқот, эксперт баҳолаш, индукция ва дедукция, статистик, корреляцион ва регрессион таҳлил, истиқболли прогнозлаш ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кредит рискинни бошқариш, кредитлаш лимитларини ўрнатиш ва кредит рисклари бўйича эҳтимолий йўқотишлар захирасини ташкил этишни инвестицион кредитлашнинг ҳар бир потенциал мижозига нисбатан стресс-тестлашни табақалашган ёндашувини қўллаш орқали такомиллаштирилган;

кредит олишгача бўлган жараёнда хизмат кўрсатувчи банк қошида алоҳида мустақил хўжалик юритиш шаклига эга «лойиҳалар фабрикаси»ни шакллантирувчи ахборот-консалтинг хизматини ташкил этиш ва унинг фаолиятини «кредитланган ҳар бир инвестицион лойиҳа бўйича ўз бонусларига эга бўлиш» тамойили асосида жорий этишнинг мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган;

банкларнинг ликвидлилик муаммосини ҳал қилиш ва ресурс базасини мустаҳкамлаш мақсадида биллатриал ва контентсиз кредит линиялари орқали ресурслар жалб қилиш амалиётини жорий этиш зарурлиги асосланган;

тижорат банкларининг инвестицион кредитлардан олинadиган даромад ҳажмига муаммоли қарздорликларни қоплаш бўйича яратилган захира фонди сарфи ва банк мажбуриятларининг таъсирини баҳолаш эмпирик модели асосида банклар инвестицион кредитлашдан олинadиган даромадларининг 2025 йилга қадар мўлжалланган прогнози кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва иқтисодчи-олимларнинг фикрларини таҳлил қилган ҳолда, тижорат банклари инвестицион кредитлаш тизими ва механизми алгоритми ишлаб чиқилиб, инвестицион кредитлаш элементлари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик асосланган;

тижорат банкларининг инвестицион кредитлаш самарадорлигига таъсир этувчи рискли омиллар аниқланган, улар баҳоланган ва бартараф этиш йўллари ишлаб чиқилган;

республика тижорат банкларида инвестицион ресурсларни бошқариш билан боғлиқ амалий муаммолар аниқланган, гуруҳланган ҳамда улар ечимига қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилган ва асослаб берилган;

тижорат банкларида инвестицион кредитлашдан олинган даромадларни ошириш ва унинг ўрта муддатли прогнозини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг расмий манбалардан олингани, муайян меъёрий ҳужжатлар, тегишли идора ва ташкилотларнинг ҳисоботлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат банклари – «Асакабанк» ва Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки маълумотларига таянилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, тадқиқот иши натижасида олинган ва илгари сурилган назарий ёндашувлар, илмий таклиф ва амалий тавсиялардан Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган тижорат банкларида инвестицион кредитлаш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар тижорат банкларида инвестицион кредитлаш тизимини самарали ташкил этишга хизмат қилиши, унинг самарадорлигини оширишга қаратилган банк сиёсатини ишлаб чиқиш, шунингдек, келгусида инвестицион кредитлаш тизимига оид қонунчиликка тегишли ўзгартиришлар киритишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади. Шунингдек, ишнинг тегишли натижаларидан «Инвестиция ва инновациялар» фани бўйича ўқув дастурларини такомиллаштириш, ўқув ва услубий қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тижорат банклари фаолияти самарадорлигини баҳолашни такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар асосида:

кредит рискни бошқариш, кредитлаш лимитлари ўрнатиш ва кредит рискни бўйича эҳтимолий йўқотишлар захирасини ташкил этиш инвестицион кредитлашнинг ҳар бир потенциал мижозига нисбатан стресс-тестлашнинг табақалашган ёндашувини қўллаш орқали такомиллаштириш таклифи «Асака банк» Бош офиси Таваккалчилик департаменти ва Инвестиция марказига жорий этилган («Асакабанк» АТБнинг 2020 йил 15 октябрдаги 19-01/5583-сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида инвестицион кредитларнинг рискка тортилганлик даражаси пасайтирилиб, корхона томонидан эҳтимолий йўқотишларга қарши захира шакллантириш орқали унинг кредит юки ва бошқа молиявий мажбуриятлари назорат қилинган ҳамда бир гуруҳ корхоналар

инвестицион кредитлари бўйича 6,0 млрд. сўм миқдорда муаммоли активлар юзага келишининг олди олинган;

кредит олишгача бўлган жараёнда хизмат кўрсатувчи банк қошида алоҳида мустақил хўжалик юритиш шаклига эга бўлган «лойиҳалар фабрикаси»ни шакллантирадиган ахборот-консалтинг хизматини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини «кредитланган ҳар бир инвестицион лойиҳа бўйича ўз бонусларига эга бўлиш» тамойили асосида жорий этиш таклифи «Асакабанк» Бош офиси Инвестиция фаолиятини мувофиқлаштириш ва лойиҳаларни бошқариш марказига жорий қилинган («Асакабанк» АТБнинг 2020 йил 15 октябрдаги 19-01/5583-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётда қўлланилиши натижасида қисқа вақт ичида банкка мижозлар томонидан сифатли ишлаб чиқилган ва пухта асосланган инвестицион лойиҳалар тақдим этилишининг суръати ошиши ҳамда уларни инвестицион кредитлаш имконини берган;

банкларнинг ликвидлилик муаммосини ҳал қилиш ва уларнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш мақсадида биллатриал ва контентсиз кредит линиялари орқали ресурслар жалб қилиш амалиётини жорий этиш таклифи «Асакабанк» АТБ томонидан амалиётга қўлланилган («Асакабанк» АТБнинг 2020 йил 15 октябрдаги 19-01/5583-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётда қўлланилиши натижасида «Асакабанк» АТБнинг ресурс базасининг 2 баробарга ошиши, ликвидлиги мустаҳкамланиши ҳамда банкнинг мижозлари олдидаги имкониятлари янада кенгайтирилишига эришилган;

тижорат банкларининг инвестицион кредитлардан олинадиган даромад ҳажмига муаммоли қарздорликларини қоплаш бўйича яратилган захира фонди сарфи ва банк мажбуриятларининг таъсирини баҳолашнинг эмпирик модели асосида банклар инвестицион кредитлашдан олинадиган даромадларининг 2025 йилга қадар мўлжалланган прогнозидан «Асакабанк» Бош офиси Инвестиция фаолиятини мувофиқлаштириш ва лойиҳаларни бошқариш марказида инвестицион лойиҳаларни самарали бошқариш ҳамда муаммоли қарздорликнинг олдини олишда фойдаланилган («Асакабанк» АТБнинг 2020 йил 15 октябрдаги 19-01/5583-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётда қўлланилиши натижасида «Асакабанк» АТБ инвестицион кредитлар бўйича 2020 йил тўққиз ойлик якунига кўра олган даромади ушбу давр учун қилинган прогноз кўрсаткичига нисбатан 9,9 млрд. сўмга ошишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 11 та, жумладан, 5 та республика ва 6 та халқаро илмий-амалий конференцияларда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этилган илмий нашрларда 8 та илмий мақола, жумладан, 5 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда, илмий-амалий конференцияларда 12 та маъруза тезислари нашр этилган.


Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Илмий ишнинг ҳажми кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Тадқиқот ишининг ҳажми 147 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатиб ўтилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ва диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги баён қилинган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объекти, предмети ва усулларига тавсиф берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ёритилган, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва жорий қилиниши ёритиб берилган, тадқиқот натижаларининг апробацияси, эълон қилинганлиги, тузилиши ва ҳажми тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Тижорат банкларида инвестицион кредитлашнинг назарий асослари**» деб номланиб, унда инвестицион кредитлаш хусусидаги илмий-назарий фикрлар, инвестицион кредитлаш элементлари ва улар ўртасидаги алоқадорлик ҳамда инвестицион кредитлаш амалиётининг меъёрий-ҳуқуқий асослари тадқиқ этилган. Диссертацион тадқиқот жараёнида инвестицион кредитлаш амалиётида кенг қўлланилувчи «инвестиция», «кредит», «инвестицион кредит» ва «инвестицион кредитлаш» атамаларининг илмий-назарий асослари ўрганилиб, бу борадаги хорижлик ва маҳаллий олимларнинг тадқиқотлари ва фикрарига қиёсий баҳо берилиб, улар асосида муаллифлик таърифлари шакллантирилди:


Олиб борилган тадқиқотлар асосида банкларда кредитлашнинг мавжуд аънанавий тамойилларига баҳо берилиб, муаллиф замонавий иқтисодиёт шароитида инвестицион кредитлаш қуйидаги тамойиллар асосида амалга оширилиши зарур деган хулосага келган:



1-расм. Инвестицион кредитлаш тамойиллари¹⁰

Инвестицион кредитлашнинг халқаро тажрибаларини ўрганиш асосида унинг қуйидаги замонавий турлари мавжудлигини тадқиқотлар тасдиқлади (2-расм).

¹⁰ Муаллиф томонидан иқтисодий адабиётларни ўрганиш асосида ишлаб чиқилди.



2-расм. Инвестицион кредитлаш турлари¹¹

Ушбу инвестицион кредитлаш турлари лойиҳани амалга оширишдаги рисклар лойиҳа иштирокчилари ўртасида тақсимланиши ва инвестициялар қопланиши мазкур лойиҳадан келадиган даромадларга асосланиши билан тавсифланади.


Диссертацияда инвестицион кредитлаш турларининг амал қилиш соҳаси, йўналишлари сингари белгилари бўйича ўзига хос хусусиятлари асосида инвестицион кредитларнинг таснифи ишлаб чиқилган.

Тадқиқот жараёнида инвестицион кредитлаш билан боғлиқ муносабатларни ўзида ифода этувчи бир қанча элементлар (инвестицион кредитлаш субъектлари, инвестицион кредитлаш объектлари, кредит шартномаси, битимда қарз олувчининг хусусий маблағлари иштироки, инвестицион кредит ҳажми, даромадлиги ва таъминоти, информацион таъминот, ҳуқуқий-меъёрий таъминот жараёни, услубий таъминот, инвестицион кредитлаш усуллари, ссуда ҳисобрақамлари шакллари, инвестицион кредит мониторинги)нинг ўзаро алоқаларини мужассам этган замонавий инвестицион кредитлаш тизими шакллантирилди (3-расм).

Инвестицион кредитлаш элементларининг тизимли ўзаро алоқадорлиги инвестицион кредитлаш механизмини юзага келтиради. Банклар томонидан самарали инвестицион кредитлаш механизмининг ишлаб чиқилганлиги ва амал қилиши активлар даромадлигини ошириш ҳамда уларнинг риск даражасини минималлаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Муаллифнинг диссертацион тадқиқотлари тижорат банклари томонидан инвестицион кредитлаш механизми алгоритми ишлаб чиқилишига асос солди. Шунингдек, банкларда инвестицион кредитлаш механизми самарали амал қилишини таъминловчи ташкилий-ҳуқуқий асослар ўрганилган ҳолда, кредитлашни ҳуқуқий таъминлаш йўналишлари ишлаб чиқилди (4-расм) ҳамда тизимли таҳлил қилинди.


Мазкур инвестицион кредитлашни таъминлашнинг ҳуқуқий йўналишлари иқтисодиётда инвестицион фаолликни ошириш, шу жумладан, тижорат банкларининг ундаги иштирокини ташкилий-ҳуқуқий, молиявий-иқтисодий жиҳатдан таъминлашда муҳим омил бўлиб келаётганлиги асослаб берилган.

¹¹ Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.



3-расм. Инвестицион кредитлаш тизими¹²

¹² Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.



4-расм. Ўзбекистонда тижорат банклари томонидан инвестицион кредитлашни ҳуқуқий таъминлаш йўналишлари¹³

Диссертациянинг иккинчи боби «Тижорат банкларида инвестицион кредитлаш тизимининг замонавий ҳолати»га бағишланган бўлиб, унда банкларда инвестицион кредитлашнинг жорий ҳолати ва инвестицион кредитлаш жараёнларидаги рискларни баҳолаш амалиёти таҳлил қилинган, шунингдек, инвестицион кредитлаш фаолиятининг хорижий мамлакатлар тажрибаси тадқиқ этилган.

1-жадвал

Иқтисодиётда жами кредит қўйилмалари динамикасига таъсир этувчи омиллар¹⁴

№	Кўрсаткичлар	Йиллар										2019 йилда 2010 йилга нисбатан, +/-
		2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	
1.	Иқтисодиётда йиллик ўртача инфляция даражаси, %да	7,3	7,6	7	6,8	6,1	5,6	5,7	14,4	14,3	15,2	7,9 ф.п.
2.	Қайта молиялаштириш ставкаси, %да	14	12	12	12	10	9	9	14	16	16	2,0 ф.п.
3.	Тижорат банклари сўмдаги кредитларининг ўртача йиллик фоиз ставкаси, %	13	13,8	13,6	12,4	10,5	11,4	11,5	18,5	21,8	24,8	11,8 ф.п.
4.	Сўмнинг валюта курси (1 АҚШ долларига нисбатан)	1640	1795	1984	2202,2	2422,4	2810	3231,5	4952	8321	9521	5,8 марта

¹³ Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси (www.stat.uz) ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг йиллик (www.cbu.uz) ҳисоботи маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Жорий 2020 йилда иқтисодиётда инфляциянинг дастлабки кутилмаларга нисбатан пастлиги таъминланиши Марказий банкнинг иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш мақсадида қайта молиялаш ставкасини 2020 йилнинг апрель ойида 15 %, сентябрида эса 14 %га туширишига сабаб бўлди. Бу банк кредит ставкаларига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Давлатнинг иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш тadbирлари банкларнинг инвестицион кредитлаш ҳажми ошишига ўз ижобий таъсирини кўрсатди. Бу эса иқтисодиёт ривожланишини таъминловчи инвестиция лойиҳалари амалга оширилиш кўламини янада оширди (2-жадвал).

2-жадвал

Ўзбекистонда тижорат банклари томонидан лойиҳаларни инвестицион кредитлаш динамикаси таҳлили¹⁵

№	Кўрсаткичлар	Йиллар										2019 йилда 2010 йилга нисбатан, +/-
		2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	
1.	Тижорат банклари жами инвестицион кредитлари, трлн. сўмда	3,4	4,4	5,7	7,2	8,5	10,2	12,2	16,1	38,7	88,3	26,0 марта
2.	Банклар жами инвестицион кредитлари ўсиши, %да	42,0	30,0	29,5	26,1	17,5	20,1	19,4	31,8	241, 0	228, 0	186,0 ф.п.
3.	Банклар жами инвестицион кредитларининг асосий капиталга инвестициялар таркибидаги улуши, %да	20,7	22,7	23,5	23,8	22,6	22,8	23,8	22,3	31,2	46,5	25,8 ф.п.
4.	Банклар жами инвестицион кредитларининг жами кредит қўйилмаларидаги улуши, %да	29,6	28,3	28,2	27,3	24,5	24,0	22,9	14,6	23,1	41,7	12,1 ф.п.
5.	Банклар жами инвестицион кредитлари ЯИМга нисбати, %да	4,6	4,6	4,8	5,0	4,8	4,9	5,0	5,3	9,5	17,3	12,7 ф.п.
6.	Банклар жами инвестицион кредитлари жами банк капиталига нисбатан, %да	83,2	88,6	92,6	111,4	123,4	131,1	135,9	77,7	145,1	173,1	89,9 ф.п.
7.	Банклар жами инвестицион кредитлари жами банк активларига нисбатан, %да	16,5	16,1	16,1	16,5	15,4	15,7	14,5	9,7	18,1	32,4	15,9 ф.п.

2-жадвалдан маълумки, таҳлил қилинган давр мобайнида банкларнинг инвестицион кредитлаш амалиёти ривожланиб борган. Буни 2010 йилга нисбатан 2019 йилга келиб, уларнинг инвестицион кредитлаш ҳажми 26,0 мартага ортиб, 88,3 трлн. сўмга етганлиги тасдиқламоқда. Айниқса, бу тафовут сўнгги икки йилда кўпроқ кўзга ташланади. Яъни 2018 йилда мазкур кўрсаткич 2017 йилга нисбатан 241 %, 2019 йилда ўтган йилга нисбатан 228 % ўсишни ташкил этган. Натижада инвестицион кредитларнинг жами банклар

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг йиллик (www.cbu.uz) ҳисоботи маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

кредит қўйилмалари таркибидаги улуши 2017 йилдаги энг кичик – 14,6 %дан 2019 йилга келиб, 41,7 %га кўтарилишига эришилган. Бу ҳолат инвестицион кредитлар ҳажмининг ЯИМга нисбатан улуши ўсишига ҳам таъсир этган, яъни 2019 йилдаги кўрсаткич 2010 ва 2011 йиллардагига нисбатан 3,8 мартабага ортиб, 17,3 %га етган.

Мамлакат инвестицион кредитлаш бозоридаги сўнгги йиллардаги ҳолат банкларнинг номутаносиб сегменти шаклланганлигини кўрсатади (3-жадвал). Бу эса иқтисодиётни инновацион ривожлантиришда илғор ва рақобатбардош технологиялар асосида модернизациялаш, энергия тежамкор ва юқори қўшилган қиймат яратишга қодир, тайёр маҳсулотлар экспортига таянган лойиҳаларни инвестицион кредитлаш жараёнида банкларнинг турли даражада иштирок этаётганлигини акс эттиради.

3-жадвал

Тижорат банклари томонидан тақдим этилган инвестицион кредитларнинг ўсиш динамикаси, млрд. сўмда¹⁶

№	Тижорат банклари номи	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2019 йилда 2016 йилга нисбатан, +/-
1.	Асакабанк	1 381	3 017	10 268	7 077	5 696
2.	Миллий банк	2 539	2 914	9 847	15 862	13 323
3.	Ўзсаноатқурилишбанк	1 540	1 842	3 562	13 115	11 575
4.	Қишлоққурилишбанк	1 191	1 178	1 256	4 624	3 433
5.	Ипотекабанк	938	1 173	2 801	9 668	8 730
6.	Агробанк	831	1 034	2 296	7 925	7 094
7.	Халқ банки	833	978	1 251	5 758	4 925
8.	Микрокредитбанк	448	567	681	3 134	2 686
9.	Бошқа банклар	2 501	3 381	6 786	21 149	18 648
	ЖАМИ	12 202	16 085	38 748	88 312	76 110

3-жадвалга кўра, инвестицион кредитлаш бўйича 2017 (18,8 %) ва 2018 йилда (26,5 %) энг катта улуш тадқиқот объекти бўлган «Асакабанк» ҳиссасига тўғри келган ва 2016 йилга нисбатан 8887 млрд. сўм ёки 7,4 мартадан зиёдга ошган. 2019 йилда, аксинча пасайиш юз берган (7,077 трлн. сўм). Жумладан, «Миллий банк»да бу миқдор таҳлил даврида ўсиб борган ва 2016 йилга нисбатан 2019 йилда 6,24 мартага ошган. Умуман, республика бўйича инвестицион кредитлаш ҳажми таҳлил даврида 7,24 мартага ўсган ҳолда унда, асосан, 8 та банкнинг фаоллиги кузатилган, яъни уларнинг инвестицион кредитлар бозоридаги улуши 2018 йилда 82,5 %ни, 2019 йилда эса 76,1 %ни ташкил этган.

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг йиллик (www.cbu.uz) ҳисоботи маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Иқтисодиётда банкларнинг инвестицион кредитлаш ҳажми ортиши улар бўйича хатарлар ҳам ошишига ўз таъсирини кўрсатади. Бу эса амалда муаммоли кредитлар ҳажми ортишида ўз аксини топган. 4-жадвалдан маълумки, таҳлил қилинган даврда муаммоли кредитлар ҳажми ошиб борган, бироқ уларнинг жами кредитлар таркибидаги улуши сезиларли миқдорга эга эмас. Яъни бу кўрсаткич 2016 йилдаги 0,29 %дан (энг кичик улуш), 2019 йилга келиб, 1,5 %га ошганлиги қайд этилган, аммо шунга мувофиқ тарзда уларга нисбатан мажбурий захиралар ҳам ташкил этилганлигини эътиборга моликдир. Таҳлил қилинган давр мобайнида инвестицион кредитлар йўқотилишига қарши захираларнинг умумий кредитлар бўйича улуши қарийб 2 мартага ошганлиги эътиборга моликдир.

4-жадвал

Тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар бўйича юзага келган муаммоли кредитлар ва унга қарши ташкил этилган мажбурий захиралар таҳлили¹⁷

№	Кўрсаткичлар	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2019 йилда 2016 йилга нисбатан, %
1.	Муаммоли кредитлар ҳажми, трлн. сўм	1,119	2,216	2,567	3,2	2,86 марта
2.	Шартли қайта кўриб чиқилган кредитлар, трлн. сўм	0,793	1,821	2,233	3,01	3,8 марта
3.	Муддати ўтган кредитлар, млрд. сўм	256	305	256,7	315	23,0%
4.	Суд жараёнидаги кредитлар, млрд. сўм	71	90	77	113	1,6 марта
5.	Умумий кредитларда муаммоли кредитлар улуши, %	0,29	1,01	0,97	1,5	1,21 ф.п.
6.	Умумий кредитларда муаммоли кредитлар бўйича йўқотишларга нисбатан ташкил этилган захиралар улуши, %	1,09	2,02	1,66	2,14	1,05 ф.п.

Ушбу ҳолат тадқиқотнинг объекти бўлган «Асакабанк» мисолида таҳлил қилинганда қуйидаги маълумотларга эга бўлинди.

5-жадвалдан маълум бўладики, «Асакабанк» инвестицион кредитларининг риск даражалари бўйича тақсимланиши белгиланган меъёр даражасида бўлиб, муаммоли инвестицион кредитлар ҳажмини белгиланган талаб доирасида сақлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш банк олдидаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг йиллик (www.cbu.uz) ҳисоботи маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

«Асакабанк» жами инвестицион кредитларининг риск даражаси бўйича тақсимланиши ва захиралар яратилиши¹⁸, млрд. сўм

Йиллар	Жами инвестицион кредитлар суммаси	Стандарт, %о	Махсус захира, 1%	Субстандарт, %о	Махсус захиралар, 10%	Кониқарсиз, %о	Махсус захиралар, 25%	Шубхали, %о	Махсус захиралар, 50%	Умидсиз, %о	Махсус захиралар, 100%	Захиралар, жами суммаси
2015 й.	3423,0	91,53	0,00	5,75	19,72	0,45	3,89	2,00	34,17	0,27	9,33	67,11
2016 й.	5 318,7	92,85	0,00	5,74	27,33	0,36	4,81	0,92	24,66	0,12	6,47	63,26
2017 й.	15 811,6	90,36	0,00	8,17	129,43	0,88	33,21	0,53	42,23	0,05	8,57	213,44
2018 й.	24 750,4	87,20	0,00	12,20	257,23	0,29	18,93	0,19	23,31	0,12	30,06	329,53
2019 й.	26321,8	92,02	0,00	6,27	189,95	1,03	87,53	0,22	36,86	0,47	155,67	470,01

Шунга кўра, «Асакабанк» ушбу муаммони ҳал этиш мақсадида мажбурий захираларни камида минимум талаб даражасида ташкил этишга муваффақ бўлган. Бунинг натижасида 5 та тоифадаги активлар бўйича, аксар ҳолларда, максимум даражадаги захиралар шакллантирилиши таъминланган. Бирок, таъкидлаш лозимки, банк қанчалик кредит бозорида асосий иштирокчига айланиб борса, унинг муаммоли кредитлар гирдобига тортилиб бориш хавфи шунчалик ортиб бораверади. Буни қуйидаги б-жадвал маълумотлари ҳам тасдиқламоқда.

б-жадвал маълумотлари «Асакабанк» инвестицион кредит бўйича йўқотишлар ҳажми 2019 йилда 2014 йилга нисбатан эса 25,6 мартага ортанлигини кўрсатади. Таҳлилларга кўра, «Асакабанк» инвестицион кредитлаш борасида банк тўқнаш келаётган рисклар амалиётда рискка қарши етарли чораларни кўриб бориши лозимлигини кўрсатмоқда. Бу банкнинг рентабеллик даражасига ҳам жиддий таъсир кўрсатган.

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси АТБ «Асакабанк»нинг йиллик ҳисоботи маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

6-жадвал

«Асакабанк»нинг молиявий натижалар ва унинг рискка тортилганлик даражаси кўрсаткичлари, трлн. сўмда¹⁹

№	Кўрсаткичлар	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.
1.	Жами фоизли даромадлар	0,479	0,579	0,619	0,922	1,609	2,573
	<i>Шундан:</i>						
2.	Инвестицион кредит бўйича даромад	0,244	0,279	0,304	0,521	1,032	1,723
3.	Жами фоизли даромадларда инвестицион кредит даромадлар улуши, %да	50,9	48,2	49,1	56,5	64,1	67,0
4.	Инвестицион кредит бўйича йўқотишларга қадар соф фоизли даромадлар	0,182	0,210	0,191	0,273	0,494	0,860
5.	Инвестицион кредит бўйича йўқотишлар	0,032	0,047	0,044	0,186	0,244	0,819
6.	Инвестицион кредит бўйича йўқотишлардан кейинги соф фоизли даромадлар (4-сатр - 5-сатр)	0,150	0,163	0,147	0,087	0,250	- 0,072
7.	Жами фоизсиз даромадлар	0,215	0,250	0,262	0,509	1,147	0,881
8.	Жами фоизсиз харажатлар	0,042	0,75	0,043	0,090	0,067	0,227
